

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**№ 8- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

27 март 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

**Кун тартиби:**

1.2018-2019 ўқув йили кузги семестр натижалари ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари

**Маърузачи:** Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Хайдаров

2.Кузги семестр бўйича профессор ўқитувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиш ҳолати

**Маърузачи:** Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи У.Воҳидов

3.2017-2018 ўқув йили ЯДАга тайёргарлик борасида бажариладиган ишлар

**Маърузачи:** Ўқув-услубий бўлим бошлиғи Ш.Хўжаева

4.Хорижий ҳамкорлик, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалри билан яқин ҳамкорлик алоқалари ва амалга ошириладиган ишлар

**Маърузачи:** Хорижий-ҳамкорлик бўлим бошлиғи Дж.Шакиров

5. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

6. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

7. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Кузги семестр бўйича профессор ўқитувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиш ҳолати. Маърузачи: Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи У.Воҳидов

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 20-2018-сон буйруғига асосида шахсий иш режани тўғри тўлдиришга кафедра мудирлари ва факультет деканлари томонидан эътибор кучайтирилсин.

**Масъул – Барча факультет деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

2. Кафедра мудирлари томонидан тақсимотни тўғри шакллантириш ҳамда унинг ижросини тўлиқ таъминланиши назорат қилинсин.

**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

3. Кафедралардаги ёш педагогларни кафедра ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилинсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

4. Факультет ва кафедрада барча ходимларнинг ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиши таъминлансин.

**Масъул – Маънавий маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими,**

**Барча факультет деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

Қарор овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров масъуллик масаласига кўра белгилансин.

**Институт кенгаш раиси**  
**профессор**



**Ж.А.Ризаев**